

Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини оширишнинг ҳуқуқий асослари

Учқун Ўроқов
Тошкент молия институти

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлиги ва мустақиллигини оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: маҳаллий бюджет, молиявий барқарорлик, молиявий мустақиллик, қўшимча даромад, ташаббусли бюджет

Legal basis for increasing the financial independence of local budgets

Uchqun Urovov
Tashkent Institute of Finance

Abstract: The article examines the regulatory and legal basis of increasing the financial stability and independence of local budgets in our country.

Keywords: local budget, financial stability, financial independence, additional income, initiative budget

Маълумки, истиқлоннинг дастлабки йилларидан бошлаб молиявий тизимнинг ҳуқуқий пойдеворини яратишга алоҳида эътибор берилди. Давлатнинг ўз функция ва вазифаларини амалга оширишнинг молиявий асоси бўлмиш бюджет, бюджет тизими ва унинг бўғинларига тегишли даромадлар манбалари ва харажатлари йўналишларини тартибга солувчи кўплаб ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар қабул қилинди.

Маҳаллий бюджетлар фаолиятининг дастлабки ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Унда вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиласидиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этиши, тегишли маҳаллий бюджетларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижро этилиши устидан

назоратни амалга ошириш, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини тасдиқлаш ваколати берилган¹.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Конунида ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг мол-мулки, маҳаллий бюджетларнинг маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари вилоят, туман, шаҳар мулки эканлиги; вилоят, туман, шаҳар аҳамиятига эга бўлган муҳандислик инфратузилмаси обьектлари ва бошқа обьектлар, корхоналар ва бирлашмалар, ҳалқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, фан ва маданият муассасалари, вилоят, туман, шаҳар маблағи ҳисобидан ташкил этилган ёки сотиб олинган, шунингдек улушбай асосларда ташкил этилган ёки сотиб олинган ёхуд ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига бошқа манбалардан бепул берилган қимматли қофозлар ва молиявий активлар вилоят, туман, шаҳар мулки бўлиши мумкинлиги акс этган². Ҳалқ депутатлари Кенгашининг ваколатларига: вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларини, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларини тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш; вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисботларни тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш; маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонун хужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида белгилаш кўзда тутилган³.

Шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига вилоят, туман, шаҳарни иктисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг, туман ва шаҳар бюджетининг тегишли лойиҳасини, шунингдек унинг ижроси тўғрисидаги ҳисботни ҳалқ депутатлари Кенгашига тақдим этиши; қонун хужжатларида белгиланадиган алоҳида солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга ҳудудларнинг ҳамда фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда пасайтирувчи ва ошиб борувчи коэффициентларни киритиш каби бюджет борасидаги ваколатлар белгиланган⁴.

2000 йилда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Конун мамлакатимизда 13 йил мобайнида: бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддаси, 01.05.2023

² Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Конуни. 1993 йил 2 сентябрь, 913-ХII-сон. 8-модда.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Конуни. 1993 йил 2 сентябрь, 913-ХII-сон. 24-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Конуни. 1993 йил 2 сентябрь, 913-ХII-сон. 24-модда.

асосларини; давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини; давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш принципларини; давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни; давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисбот ва назорат қилишнинг асосий ҳуқуқий манбаси бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизда бюджет тизими муносабатлари «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонунлар ҳамда шу соҳага тегишли қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартиба солиб келинар эди. Бу эса алоҳида меъёрларнинг турлича талқин қилинишига ва уларни амалга оширишнинг мураккаблашувига олиб келмоқда эди.

Давлат молиясини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бюджет тизимининг устувор йўналишларини тартиба солиш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 2013 йил 26 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги ЎРҚ-360-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилинди ва унга кўра Ўзбекистон Республикасида 2014 йил 1 январдан бошлаб Бюджет кодекси эксперимент тариқасида, 2014-2015 йиллар давомида синов шарти билан амалга киритилди.

Мамлакатимизда мазкур норматив ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад - амалда қўлланилаётган меъёрлар, низомлар ва бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатларини тизимлаштириш, шунингдек, бюджет жараёнини тартиба солувчи ҳамда амалдаги қарама-қарши ва эскирган меъёрларни бартараф қилувчи яхлит қонунчилик ҳужжатини яратишдан иборатдир.

Қолаверса, Бюджет кодекси барча манфаатдор тарафларни бюджет тизими ва бюджет жараёни тўғрисидаги кенг қамровли ҳамда ишончли ахборот билан таъминлашга хизмат қиласди. Бу ахборот давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва ижро этиш билан шуғулланаётган ҳукумат учунгина эмас, балки Олий Мажлис, маҳаллий ҳокимият органлари, бюджет ташкилотлари ва барча фуқаролар учун ҳам муҳимдир. Чунончи, минтақаларда Бюджет кодекси ресурсларни қайта тақсимлаш ва уларнинг даромад салоҳиятини мустаҳкамлашнинг барқарор ҳамда самарали механизмини таъминлашга қаратилган.

Бюджет Кодексида давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тузилмаси, давлат бюджети ҳамда унинг таркибига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатлари акс эттирилган. «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда республика бюджети даромад ва харажатлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси

бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари белгиланган бўлса, Бюджет кодексида юқоридагилар билан биргалиқда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромад ва харажатлари ҳам акс эттирилди. Қолаверса, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг қўшимча манбаларини аниқлаш ҳамда улардан фойдаланиш таомиллари белгиланиб, бюджет ижроси қисмида давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг тасдиқланган параметрларига ўзгартириш киритиш тартиби соддалашибтирилди. Бюджет кодексида бюджетлараро муносабатлар тизими такомиллашибтирилган ҳамда қонуний мустаҳкамланган бўлиб, бюджетлараро муносабатларнинг асослари, бюджетлараро трансфертларнинг шакллари ва уларни ўтказиш, бюджет ташкилотларига бюджет ссудаларини ажратиш ва бюджет тизимининг турли даражадаги бюджетлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби ҳам ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида бюджет тизими бюджетларининг мустақиллиги принципи, очиқлик принципи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг бюджет соҳасидаги ваколатлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ҳамда ҳудудий молия органларининг бюджет соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилди.

Шунингдек, Бюджет Кодексида давлат бюджетининг тузилиши тавсифланди, яъни давлат бюджети Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан иборат эканлиги, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тузилмаси белгилаб қўйилди. Бюджет Кодексининг 52-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари таркиби баён этилган бўлса, 71-моддасида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шахрининг шаҳар бюджетидан амалга ошириладиган харажатлар ҳамда 72-моддасида туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатлари акс эттирилган.

Бюджет Кодексида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиши, тасдиқлаш, ижро этиш тартиби, бюджетлараро муносабатлар, бюджетлараро трансфертлар, маҳаллий бюджетларига қўлланиладиган чекловлар, бюджет тизими бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тартиби,

бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш механизми ҳам тартибга солинган⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, шаҳарлар ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш, фискал номарказлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилган норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган.

Сўнгги йилларда маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш ва мустақиллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Хукumatнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Мазкур хужжатларда:

- маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базасини тубдан мустаҳкамлаш;
- қўйи бюджетларнинг юқори турувчи бюджетларга қарамлигини қисқартириш;
- уй-жой, коммунал, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани модернизация қилиш ва техник янгилаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларни амалга оширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақил иш олиб бориши ва масъулиятини ошириш;
- бюджетлараро муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш орқали маҳаллий бюджетлар маблағларини бошқаришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг мустақил иш олиб боришини кучайтириш;
- маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш ва харажатларини мақбуллаштиришда уларнинг манфаатдорлигини оширишни таъминлайдиган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатлари ва мажбуриятларини белгилашнинг замонавий механизmlарини жорий этиш;
- тегишли бюджетлар ҳар чорак якунида шаклантириладиган даромадлар режасидан орттириб бажарилган қисмини мустақил тасарруф этиш;
- маҳаллий бюджет харажатлари, жумладан, белгиланган нормативлар доирасида бюджет ташкилотлари ва уларнинг штат бирликларини

⁵ Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. 2013 йил 26 декабрь.

оптималлаштириш ҳисобига молия йили давомида бўшаб қолган маблағларни бошқа зарур харажатларга йўналтириш;

- ўз вазифаларини вижданан, шунингдек, алоҳида муҳим ва масъулиятли ишларни бажараётган бюджет ташкилотлари раҳбарлари, ҳокимлик, молия, ғазначилик ва солиқ органлари ходимларини эришилган натижалар асосида йилига бир ойлик лавозим иш ҳақи миқдорида тегишли равишда тегишли бюджетларининг қўшимча маблағлари ҳисобидан бир марталик мукофотлаш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг солиқ солиш базасини кенгайтиришдан манфаатдорлигини қучайтириш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини қучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, янги иш жойлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, мухандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига солиқ салоҳиятини кенгайтириш кабилар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий мақроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш, улар харажатларининг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида ва мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа ҳамда инфратузилма обьектларини янада ривожлантириш ва тегишли даражада сақлашни таъминлаш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда молия ва солиқ органларининг жавобгарлигини қучайтириш;

- тегишли бюджетларнинг даромадларини шакллантириш қисмida маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетга оид ваколатларини аниқпухта чегаралаш;

- солиқлар ва йиғимларнинг баъзи турлари бўйича тушумларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида қолдириш ҳисобига уларнинг ўз даромад базасини кенгайтиришдаги фаолиятини қучайтириш;

- йирик солиқ тўловчилардан тушадиган баъзи солиқ турлари бўйича тушумларни республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида тақсимлаш;

- туманлар ва шаҳарларнинг бир текис ривожланишини таъминлаш учун жойлардаги давлат ҳокимияти органларига маҳаллий солиқларнинг айrim турлари бўйича ставкаларни пасайтириш ва кўпайтириш ваколатларини бериш;

- ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш бўйича харажатларни ва кўзда тутилмаган сарф-харажатларни молиялаштиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мустақиллигини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сонли «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромад олишдаги ваколатларини ошириш ва сарф-харажатлардаги мажбуриятларини чегаралаш бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган экспериментда ижобий натижаларга эришилгани боис 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб мазкур тартиб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига нисбатан ҳам жорий этилди. Маҳаллий бюджетлар бўғинларига даромад турлари аниқ биритирилди.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан, юридик шахсларнинг фойда солиғидан (тўлов манбаида норезидентлардан ундириладиган солиқлар бундан мустасно), қўшилган қиймат солиғи, тегишли товарлар бўйича акциз солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солик, жарималар ва йигимларнинг тегишли қисми бўйича олинадиган тушумларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимлаш, шунингдек, тегишли қисмда ажратилаётган солиқлардан олинаётган тушумларнинг белгиланган прогнозларининг ошириб бажарилган суммалари тегишли бюджетларнинг тасарруфида қолдирилди.

Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов бўйича сарф-харажатларни тўлашга мақсадли ижтимоий трансферлар ажратиш тартиби жорий қилинди. Мақсадли ижтимоий трансферлар ҳажми туман ва шаҳарлар бюджетларининг даромад базаси кўпайишидан қатъий назар камайтирилмаслиги белгиланди.

Тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича бюджетнинг жами даромадлар прогнози ортиб борувчи якун билан бажарилган тақдирда даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган суммасини қуий бюджетлардан юқори турувчи бюджетларга олиб қўйиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари параметрларида назарда тутилган харажатларни асоссиз қисқартириш тақиқланди.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб молия йили мобайнида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги қўшимча, кўзда тутилмаган харажатларни ўз вақтида ва узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш учун тегишли бюджетлар сарф-харажатларининг умумий ҳажмидан 1 фоизи

миқдорида туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг захира жамғармалари шакллантирилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликларига халқ депутатлари Кенгашлари билан келишилган ҳолда минтақанинг ва фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ ва жисмоний шахсларнинг ер солиғи бўйича белгиланган ставкаларга нисбатан 0,7 дан 1,3 гача пасайтирилувчи ва оширилувчи коэффициентлар ўрнатиш хуқуқи берилди.

Бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффоғлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида:

- 2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизми жорий этилиши;

- 2020 йилдан бошлаб давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари бўйича ахборотлар батафсил баён этилган, илғор халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган қонун билан тасдиқланиши;

- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этилишидан олдин мажбурий жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши шартлиги;

- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисботлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилиниши;

- жамоатчилик фикрини шакллантириш учун туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилиш таклиф этилаётган тадбирлар тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиш ва бюджет

жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш имкониятини ўз ичига олган фуқаролар билан қайта алоқани ташкил этишга қаратилган «Очиқ бюджет» ахборот портали фаолиятини йўлга қўйиш каби чоралар белгиланди ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги Қарорида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулияти ва манфаатдорлигини кучайтириш, уларнинг даромадлар бўйича ваколатлари ва харажатлар бўйича мажбуриятларини ошириш мақсадида 2019 йил 1 январдан бошлаб айрим даромад турлари бюджет бўғинлари ўртасида қайта тақсимланди. Шунингдек, айрим бюджет ташкилотларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган солиқлардан (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғидан ташқари) маҳаллий бюджетларга ажратмалар 50 фоиздан кам бўлган тақдирда, ушбу солиқлар бўйича даромадларнинг прогноздан ошириб бажарилишидан ҳосил бўлган маблағларнинг 50 фоизи маҳаллий бюджетларга қайтарилиши белгиланди.

Халқаро тажрибадан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистонда илк бор бюджет параметрлари Қонун кўринишида қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни⁶да бюджет жараёни иштирокчилари ўртасида бюджет ваколатларини тақсимлашнинг ўзига хос хусусиятлари, худудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларига ўзгартиришлар киритиш; Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартиби; 2020 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари; Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг ҳамда

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сон Қонуни.

туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тартиблари белгиланди.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига тўлиқ ўtkaziladigan solik turlari va boşqa daramadlar belgиланди.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига ижарага берилган жойнинг ёки якка тартиbdagi тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётган жойнинг хусусиятларини, шунингдек кўrsatilaётган хизмат турининг мавсумийлигини ҳисобга олган ҳолда ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда якка тартиbdagi тадбиркорлар учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган соликнинг қатъий белгиланган миқдорларига нисбатан қўllaniладиган 0,7 дан 1,3 гача пасайиб борувчи ёки ўсиб борувчи коэффициентларни киритиш ваколати берилди.

Шу билан бирга туманлар ва шаҳарларнинг оммавий дам олиш ва туризмга ихтисослаштирилган айрим худудларида Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган соликнинг якка тартиbdagi тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдорларига нисбатан қўllaniладиган ўсиб борувчи коэффициентларни киритиш ваколати берилди.

Давлат бюджетидан молиялаштирилайдиган харажатлар бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимланди. Жумладан, республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилайдиган харажатларнинг янгича тақсимоти амалга оширилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташабbusi билан амалга ошириладиган қўшимча тадбирлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджет-молия соҳасидаги асосий вазифаси сифатида: солик солиш объектлари ва солик солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш; соликларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш; мавжуд захираларни сафарбар этиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали

тегишли бюджет даромадлари прогнозининг бажарилишини таъминлаш; бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳамда уни тежаш; бюджет интизомини мустаҳкамлаш; бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижавийлиги бўйича ҳисобдорлик тизимини кучайтириш; биринчи навбатда молиялаштириладиган (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар) харажатларни ўз вақтида молиялаштириш ва кредитор қарздорликка йўл қўймаслик; объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун назарда тутилган маблағларни, биринчи навбатда, олдинги йилларда тугалланмаган объектларни ишга туширишга йўналтириш белгиланди.

Давлат бюджетининг шаклланиши ва ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиши жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ҳамда жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида 2021 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5072-сонли Қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, 2021 йил май ойидан бошлаб республиканинг ҳар бир ҳудудидан 1 тадан туман (шаҳар)ларда, 2022 йил 1 январдан эътиборан республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартибни босқичма-босқич жорий этилди.

2021 йил 1 июлдан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини 10 фоиздан 30 фоизга оширилди. Президент қарорига кўра танлаб олинган туман (шаҳар)лар бюджетларига қўшимча равишда республика бюджети маблағлари ҳисобидан 92,7 миллиард сўм маблағ ажратилди.

2021 йилда ўтказилган ташабbusli бюджетлаштириш жараёнида фуқаролардан келиб тушган мурожаатларда баён этилган ўринли ва долзарб муаммоларни қисқа муддатларда бартараф этиш, давлат бюджетини шакллантириш ва ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиши жараёнига аҳолини фаол жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрда “«Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5250-сон Қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 январдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи «Очиқ

бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмиrlашга йўналтирилади.

Халқаро тажрибадан маълумки, фуқароларнинг бюджет жараёнида иштирок этиши шаффофлик ва очиқликни таъминлашга, жамоатчилик назоратини кучайтиришга, бу орқали давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга қиласи. Шундан келиб чиқсан ҳолда, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ҳар бир туман бюджетининг камидаги 5 фоизини “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш белгиланди⁷.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда сўнгти йилларда маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларни юқори бюджетга қарамлигини камайтириш, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш борасида қатор хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг амалий самараси маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишга сезиларли даражада хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил 1 май
2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабрь
3. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-ХII-сон Қонуни, 1993 йил 2 сентябрь
4. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сон Қонуни, 2019 йил 9 декабрь
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 февраль
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5075-сонли Фармони, 2017 йил 7 июнь
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони, 2022 йил 28 январь

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сонли Қарори, 2017 йил 29 декабрь

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3917-сонли Қарори, 2018 йил 22 август

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сонли Қарори, 2018 йил 26 декабрь

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4555-сонли Қарори, 2019 йил 30 декабрь

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5072-сонли Қарори, 2021 йил 13 апрель

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “«Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5250-сон Қарори, 2021 йил 22 сентябрь

14. Н.Хайдаров. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. Ўкув қўлланма. Тошкент: Академия, 2007

15. Ҳайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Т.: Иқтисод-молия, 2009

16. Низамидин Ҳайдаров. Роль таможенного дела в ускорении межгосударственных экономических отношений. Технико-технологические проблемы сервиса, 2019

17. ТС Маликов, НХ Ҳайдаров. Молия: умумдавлат молияси. Тошкент:«IQTISOD-MOLIYA, 2009

18. Т.Маликов, Н.Ҳайдаров. Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни. 2007

19. Т.С. Маликов, Н.Х. Ҳайдаров. Финансы: государственные финансы. Учебное пособие. Экономика и финансы. Ташкент. 2009

20. Н Ҳайдаров. Давлат молиясини бошкариш. Т.:«Академия, 2005

21. Nizamiddin Khaydarov. Agricultural Development in Uzbekistan: Agricultural Reforms versus Transboundary Water Issues. Developing Country Studies. ISSN 2224-607X (Paper) ISSN 2225-0565 (Online) Vol.5, No.10, 2015

22. Nizamiddin Khaydarov. INTERNATIONAL EXPERIENCE OF THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN UZBEKISTAN. 2021

23. Zaripov Khusan Bakhodirovich. Trends in the Development of the Tax System of the Republic of Uzbekistan. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 2022
24. Zaripov Khusan Bakhodirovich. Current state of taxation of commercial banks in our country. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development. 2022/11/1
25. Мутабар Жураевна Темирханова, Хусан Баходирович Зарипов, Ли Шаоминь. Совершенствование цифровой мобильной связи в современном мире. Бюллетень науки и практики, 2020
26. Зарипов Хусан Баходирович. Методологический конструктив налогового анализа влияния системы налогообложения на деятельность хозяйствующего субъекта. Международный научно-образовательный электронный журнал «Образование и наука в XXI веке» 2021/11
27. Хусан Зарипов. Налоговое планирование предприятий в Республике Узбекистан. Общество и экономика, 2019
28. ОА Шодиев. Особенности применения упрощенной системы налогообложения в Узбекистане. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2017
29. Olimjon Shodiev. Excise tax: general and special. Академические исследования в современной науке. 2022/12/5
30. ОА Шодиев. Акцизное налогообложение в Узбекистане: общее и особенное. Экономика и бизнес: теория и практика. 2022
31. У Ўроқов, Д Ускенбаева. Ўзбекистонда ташаббусли бюджетни жорий этишнинг ташкилий-хуқуқий асослари. Science and Education, 2022
32. У Ўроқов. Ўзбекистон Республикасининг бюджет кодекси: моҳияти, аҳамияти ва афзаллликлари. “Молия” журнали, 2014
33. U Yu O'rroqov, NM Anvarov. Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda byudjet-soliq siyosatining ahamiyati. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. 2022/6/30
34. Urokov Uchkun Yunusovich, Toshmatova Rano Gaipovna, Sharapova Mashhura Azadovna, Ismailova Nasiba Komiljonovna, Isaev Husan Mansurovich. Matters of revenue generation and cost optimization while increasing the efficiency of the state budget. Journal of Hunan University (Natural Sciences). 2021/12
35. AA Ботиров, НВ Юлдашева. Местные бюджеты. Учебник. Местные бюджеты. Учебник. Т-Издательство: МОЛИЯ-ИКТИСОД, 2015
36. Надира Викторовна Юлдашева. Типология моделей межбюджетных отношений. Вестник науки и образования. 2016

37. В Юлдашева, ФШ Хамраева. Некоторые вопросы совершенствования пенсионного обеспечения отдельных категорий граждан в Республике Узбекистан. Проблемы современной науки и образования, 2017
38. Юлдашева Н.В Бабаева Ш.С. Специфика организации государственной финансовой поддержки субъектов малого бизнеса в Республике Узбекистан. Интернаука, 2022
39. SherAli Sultonov, Nodira Soatova. Factors strengthening the tax base of local budgets. Journal of Hunan University. Vol. 49. No. 12 December 2022 SherAli Sultonov Nuraliyevich, Nodira Soatova Bobokhanovna. Ways of Fund Market Development in Uzbekistan. Eurasian Scientific Herald.2022
40. SherAli Sultonov. Directions of state regulation of the stock market. International Journal of Economic Growth and Environmental. 2021
41. Абдусаломов, С. (2022). Ўзбекистонда бюджет қонунчилигини такомиллаштириш йўналишлари. Science and Education, 3(8), 258-267.